



ОБОД МАСКАНЛАР

МЎЙНОҚҚА ТУМОР ТАҚИНГ



АРМОНЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Мўйноқ — Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган юртимизнинг энг шимолий тумани десак, муболага бўлмайди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, Мўйноқ Оролнинг суви чекинмасдан аввал денгизнинг жануби-ғарбий соҳилида жойлашган.

Туман Қорақалпоғистон маркази — Нукус шаҳридан 180 километр узоқда, январь ойининг ўртача ҳарорати -7,4 даража совуқ, июлда ўртача +26,5 даража иссиқ. Кучли шамоллар бўлиб туради. Умуман, Мўйноқни шамоллар ўлкаси, деса ҳам бўларкан. Боиси, кўчада узоқ вақт туриб бўлмайди: кучли ел ғувиллаб келиб, ҳатто энгингиздаги кийимларни ечиб олсам, дейди. Оролнинг Мўйноқдан узоқлашиши, мураккаб экологик ҳолат шаҳар қурилишига, sanoatнинг ривожини ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Саксовул каби бутасимон дов-дарахтдан бошқасини учратиш амри маҳол. Тупроғи қум аралаш тош, бу ерларда боғдорчилик қилиш, деҳқончилик билан шуғулланиш қарийб имконсиз.

▶ Давоми 6-бетда

БУНЁДКОРЛИК

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

Кейинги йилларда юртимизда янги турар жой мажмуаларини барпо этиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган ишлар кўлами янада ортди. Хусусан, бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва туман марказларидан тортиб, чекка-чекка манзилларигача янгиликлар, улкан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Натижада ҳудудлар обод масканга айланмоқда.

▶ Давоми 2-бетда



ЖАРАЁН

ТАРТИБГА СОЛИШ ҚУМДОНИ

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ?

Шу пайтгача мамлакатимизда махсус иқтисодий зоналар, сунъий интеллект технологиялари, крипто-активлар айланмаси, молиявий хизматлар соҳалари бўйича махсус режимлар мавжуд эди. Эндиликда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 ноябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан ишбилармонлар учун замонавий технологиялар ва янги хизмат турларини жорий қилишда ҳам ундан фойдаланиш йўналишлари белгилаб берилди. Бу режимлар янги иқтисодий ном билан аталапти: қумдон. Бу борада гап кетганда, одатда болалар боғчалари ёки ўйин майдончаларидаги қум сақланадиган жой тушунилади.

Шундай экан, нима учун мазкур оддий жой глобал иқтисодий-ижтимоий атамга айланиб, янгича мазмун касб этипти, деган савол туғилади. Мутахассисларнинг фикрича, Буюк Британияда жорий қилинган бу тизим (regulatory sandbox) да болалар ўйнайдиган қумли майдонча рағз сифатида олиниб, у янги молиявий хизматларни синовдан ўтказиш учун ўзига хос майдонча яратишни назарда тутди.

Марказий банк департамент бошлиғи Санжар Носировнинг қайд этишича,

мазкур ҳуқуқий режим аҳоли учун шу пайтгача мавжуд бўлмаган хизматни яратиб беради ёки бор бўлса, уни яхшилайди. Айтилишича, ҳозирги кунда қайсидир хизмат тури бозорда йўқ, қумдон эса истеъмолчи учун хизматлар кўламини ёки мавжудларини яхшилашда платформа вазиасини ўтайди. Молиявий бозорда янги хизматлар учун қонунчиликда чекловлар мавжуд ёки у ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бўлса, бундай хизматлар синовдан ўтказилади.

▶ Давоми 4-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ҲАЁТНИНГ ЎЗГАРАЁТГАН МАЗМУНИ

ОИЛАЛАРДА АҲИЛЛИК ВА ИШОНЧ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



Мамлакатимизда ҳар йили алоҳида давлат дастури қабул қилинади. Халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалиш, ички ва ташқи сиёсий муносабатлар акс этган бу ҳужжатда кўп йиллик стратегик ривожланиш мақсадлари ўз ифодасини топади. Жорий йилги давлат дастури бир қатор муҳим жиҳатлари билан аввалгиларидан алоҳида ажралиб туради.

▶ Давоми 3-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

КЛАСТЕР: ДЕҲҚОНЧИЛИКДАН ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИГАЧА

Олтиариқ туманидаги “Hamza ekspo tekstil” МЧЖ шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Польша ва Германияга экспорт қилинмоқда. Шу кунга қадар умумий қиймати 3 миллион АҚШ доллари қийматидаги тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди. Йил охирига қадар бу борадаги кўрсаткич салмоғи 5 миллион доллардан ортади. Бу ўтган йилга нисбатан икки ҳиссага кўп демакдир.



▶ Давоми 4-бетда

ЯШИЛ МАКОН

ДАРАХТЛАРНИ НЕГА КЕСМАСЛИК КЕРАК?


Бугун Ер юзиде глобал иқлим ўзгариши инсоният учун катта хавф туғдираётган ўта муҳим масалалардан. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, транспорт воситаларининг кўпайиши, аҳоли сонининг ошиши, атмосферага чиқадиган ис гази ҳажмининг ортиб боришидир. Буларнинг барчаси хавонинг исинини тезлаштириб, кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

▶ Давоми 5-бетда

БУНЁДКОРЛИК

66 ТЕЗ ОРАДА 39 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛИБ, АҲОЛИНИНГ БИР ҚИСМИ 2023 ЙИЛНИ ЯНГИ ХОНАДОНЛАРДА ҚАРШИ ОЛАДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВБАТДАГИ ОБОД МАНЗИЛЛАРИ ПАЙДО БЎЛАДИ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ



Бошланиши 1-бетда

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Қашқадарё воҳасида ҳам бир қанча ижтимоий объектлар, кўп қаватли уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлаб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги фармони асосан, вилоятнинг Яққабоб ҳамда Косон туманларида Янги Ўзбекистон массивлари барпо этилмоқда.

Фармонда белгиланганидек, янги уй-жой массивлари туманимиздаги "Айғирқўл" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бунёд этилмоқда, — дейди Яққабоб тумани қурилиш бўлими бошлиғи Суннат Норматхматов. — Жорий



66 Массивда дастлабки босқичда 25 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлса, иккинчи босқичда яна 30 таси қуриб битказилади.



йил март ойида бошланган 500 хонадонга мўлжалланган 25 та кўп қаватли уй қурилишининг ҳозир деярли саксон фоизи бажарилди.

Массивда дастлабки босқичда 25 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлса, иккинчи босқичда яна 30 таси қуриб битказилади.

ҳудудларда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. — Биз иккита кўп қаватли уй қурилади. Ҳозир ўттиздан ортиқ ишчи ишляпти, — дейди "Жавоҳир Нур транс" қурилиш корхонаси раҳбари Алишер Ҳўжаёров. — Янги барпо этилган турар жойлар сифатли ва одамларга қулай бўлишига жиддий эътибор қаратяпмиз. Албатта, эртага бу хонадонларда яшайдиган кишилар биздан рози бўлиб, раҳмат айтишидан умидвормиз. Анча йиллардан бери қурилиш билан шуғулланиб келаман. Утган ўн йиллар давомида қатор объектлар бунёд этилди. Бугун ўша иншоотлар олтидан ўтганимизда ўзгача ғурур туяман. Одамлар миннатдорлик билдиради. Бу маконда яшовчилар ҳам ҳаётдан рози бўлиб умрғузaronлик қилса бас. Мен каби қурувчига шундан ортиқ бахт борми?!

Айни пайтда танланган ер участкалари онлайн аукцион савдода қурувчи ташиқотлар томонидан харид қилиниб, ушбу

қурувчи ташиқотлар томонидан харид қилиниб, ушбу

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йил якунига қадар массивларда қурилаётган кўп қаватли уйларнинг 39 тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Яққабоб ҳамда Косон туманларида келгуси йилда Янги Ўзбекистон массивларида қўшимча уйлар барпо этилиши мақсад қилинган. Шу билан бирга, Қарши туманидаги "Чаман" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда ҳам 52 та кўп қаватли турар жой қурилиши мўлжалланяпти.

Тез орада 39 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилиб, аҳолининг бир қисми 2023 йилни янги хонадонларда қарши олади. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг навабдаги обод манзиллари пайдо бўлади.

фуқаролар йиғини ҳудуди танлаб олинган. Бугун бу ерда 648 хонадонга мўлжалланган 30 та кўп қаватли уй қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, массив лойиҳасида биттадан мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти ҳамда оилавий поликлиника қурилиши белгиланган.

— Массивимизда, асосан, беш қаватли турар жойлар барпо этилмоқда, — дейди Косон тумани бош архитектору Мусурмон Мавлонов. — Уларни "Косон саноат монтаж", "Ҳамкор бизнес кўп тармоқли", "Асл қафолат бетон буюмлари", "Фахридинов Бахтбек" каби МЧЖлар қурмоқда. Қиска фурсатларда бу жойда янги, замонавий уйлар қад ростлайди.

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йил якунига қадар массивларда қурилаётган кўп қаватли уйларнинг 39 тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Яққабоб ҳамда Косон туманларида келгуси йилда Янги Ўзбекистон массивларида қўшимча уйлар барпо этилиши мақсад қилинган. Шу билан бирга, Қарши туманидаги "Чаман" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда ҳам 52 та кўп қаватли турар жой қурилиши мўлжалланяпти.

Тез орада 39 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилиб, аҳолининг бир қисми 2023 йилни янги хонадонларда қарши олади. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг навабдаги обод манзиллари пайдо бўлади.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР ЮНЕСКОНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ КЎМИТАСИ ИШИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Жорий йил 28 ноябрь куни Работда (Мароқаш) НоMODдий маданият мероси муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматларaro кўмитасининг (НМММҚХҚ) 17-сессияси ўз ишини бошлади.



Тадбирда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле бошчилигида кўмита раҳбарияти, НМММҚХҚга аъзо давлатлар вакиллари, 130 дан ортиқ қузатувчи давлатнинг юқори мартабали делегатлари ва экспертлар иштирок этмоқда. Ушбу сессия ЮНЕСКО тизимидаги мазкур нуфузли кўмита фаолиятида илк бор аъзо сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон учун яна бир муҳим тарихий босқич бўлди.

НМММҚХҚ 24 та иштироки давлатни ўз ичига олади, улар ҳар икки йилда бир марта айланма тизимда янгиланади. Ўзбекистон жорий йил 6 июль куни бўлиб ўтган "НоMODдий маданият мероси муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенцияга аъзо давлатлар Бош Ассамблеясининг 8-сессияси доирасида ташкил этилган сайлов натижаларига кўра, 2022-2026 йиллар учун кўмита аъзолигига сайланган 12 давлатдан бири бўлди.

Шуъба мажлисларида Ўзбекистон делегациясининг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда республиканинг бой ноMODдий маданият меросини асраб-авайлаш, кўлайтириш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маърузаси тингланди. Ўзбекистоннинг 2002 йилги Конвенция қоидаларини, шунингдек, НМММҚХҚ мақсад ва вазифаларини илгари суриши қаратиладиган сай-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни

давом эттиришга қатъий интилиши яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон бошқа кўмита аъзолари билан биргаликда кун тартибидидаги 20 та масала бўйича 100 дан ортиқ ҳужжатни кўриб чиқишга киришди. Жумладан, яқин кунларда 2003 йилги Конвенция ижроси бўйича даврий ҳисоботлар юзасидан 42 та маъруза, ушбу Конвенция назорат қиладиган рўйхатларга киритиш учун 55 та номинация, шунингдек, Баҳолаш комиссияси, НоMODдий маданият мероси фонди, Котийбият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон "НоMODдий маданият мероси муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конвенцияга 2008 йилда қўшилган. Утган давр мобайнида ЮНЕСКО Инсоният ноMODдий маданият меросининг репрезентатив рўйхатида Бойсун маданият макони, "Шашмақом" мумтоз мусиқаси, Катта ашула, Аския санъати, Наврўз, Палов маданияти ва анъаналари, Мариолон ҳунармандчилигини ривожлантириш маркази: адрес ва атлас тўқиш, Хоразм рақси — Лазги каби объектлар киритилган.

Ушбу сессия доирасида ва келгусида кўриб чиқиладиган яна бир қанча янги номинациялар мавजूд. Сессия 3 декабрда қадар давом этади.

"Дунё" АА Работ

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҲАР КИМ ЎЗ КАСБИДАН ҒУРУРЛАНИБ ИШЛАШИ, ЯШАШИ КЕРАК

— Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? — деб сўради боғча тарбиячиси кичкина Давлатёрдан.

— Тадбиркор.

— Нима учун тадбиркор бўлмоқчисан?

— Чунки тадбиркорнинг пули кўп, зўр машинаси, яхши уйи бўлади...

Ҳақиқатан, илгари болаларга юқоридаги саволи берсангиз, хоким, прокурор ёки ички ишлар ходими бўламан, деган жавобни олардингиз. Кейинги йилларда ёш болаларнинг ҳам дунёқарashi ўзгариб, тадбиркорликка қизиқиши ортмоқда. Сабаби юртимизда ишбилармонликка эътибор кучайиб, соҳа вакиллари ислохотларнинг олдинги сафида борапти.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтган йилги очиқ мулоқотидан сўнг ҳар йил 20 август Ўзбекистонда тадбиркорлар кунини деб белгилангани ҳам мамлакатимизда ишбилармонларга ишонч юқори эканидан далолатдир.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий бўлиб, бугунги кунда соҳани жадаллик билан ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, сафини янада кенгайтириш ва рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти, — дейди Нукус шаҳридаги "Nanokua" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қувват Пиримбетов. — Президентимиз жорий йилги мулоқот чоғида соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан қўллаб

ташаббусларни илгари сурди. Бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибида амалга оширилади. Шунингдек, бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда мuddати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорга жарима қўлланмайди.

"Nanokua" МЧЖ раҳбари Қувват Пиримбетов олий маълумотли, мутахассислиги тарихчи-хуқуқшунос. У ўз тадбиркорлик фаолиятини 2007 йили бошлаган. Дастлаб пайнет шохобчаси очган. Сўнг озиқ-овқат савдоси билан шуғулланиб, тадбиркорликнинг сир-асропларини ўрганган.

66 БИР КУНИ У АВТОУЛОВИНИ ЮВДИРИШ УЧУН АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШОХОБЧАСИГА БОРДИ ВА ТУРНАҚАТОР НАВБАТНИ КЎРИБ, УШБУ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАЙ БОШЛАДИ. НУКУС ШАҲРИДАГИ ЎША ПАЙТДАГИ 27 МИНГ АВТОУЛОВГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИБ, БАРЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИБ ЧИҚДИ. НИҲОЯТ 2016 ЙИЛИ ШАҲАРДА ЯНГИ "NANOKUA" КОРХОНАСИНИ ИШГА ТУШИРДИ.



Бир куни у автоуловини ювдириш учун автомобилларни ювиш шохобчасига борди ва турнақатор навабтани кўриб, ушбу муаммога ечим топиш йўларини излай бошлади. Нукус шаҳридаги ўша пайтдаги 27 миң автоуловга хизмат кўрсатиш даражасини ўрганиб, барча харажатларни ҳисоб-китоб қилиб чикди. Ниҳоят 2016 йили шаҳарда янги "Nanokua" корхонасини ишга туширди.

— Ростини айтсам, жойларда автоулов ювиш жараёни билан яқиндан танишиш натижасида хизмат кўрсатишнинг қулай йўлларини излаб топилмига тўғри келди. Автомобили тозалангунча эгасининг вақти бекор ўтмаслиги учун кутиш жойларида қаҳвахона очдим. Нуутбўқда ишлаш ёки китоб ўқиш учун шароит ярати бери-дим. Шунингдек, автоулови қай тарзда тозаланишини кузатиб бориши учун ўртадаги тўсиққа ойна кўйдим. Шу тариқа автоувиш шохобчамда мижозлар қўлайиб кетди. Кунига 100-120 автомобилга хизмат кўрсата бошладик, — дейди Қувват Пиримбетов. — Орадан бир йил ўтиб, мижозларим уийдаги гиламларини тозалаб бериши илтимос қилиб кела бошлади. Шундан сўнг гилам ювиш учун янги цех очдик.

Тадбиркор талабга қараб хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириб, Туркия, Беларусь ва Хитойдан асбоб-ускуналар олиб келди. Уларни ишлашга сир-асропларини ўрганди.

— Қизиғи шундаки, гилам тозалашни йўлга қўйганимиздан кейин одамлар кўрпа-тўшаларини ювиб беришини сўраб кела бошлади. Ишхонадаги кизлар билан маслаҳатлашиб, катта кир ювадиган машина сотиб олдим. Аста-секин кўрпа-тўшаларни ювишни ҳам йўлга қўйиб, беш аёлни ишга қабул қилдим, — дейди Қувват.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда клининг хизмати яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимизда, жумладан, Нукус шаҳрида ҳам бу хизмат тури энди оёққа тура бошлади. Талабга қараб хизмат кўрсатишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун мижозлар стол, стул, диван сингари уй мебелларини тозалаб беришни ҳам сўраб "Nanokua"га мурожаат қилапти.

— Талаб ортгани сари клининг хизматини ўрганишимга тўғри келди. Тошкентга бориб, ушбу хизмат тури бўйича қизиқдим, ўргандим, изландим. Тўғриси айтиш керак, мебель тозалашга бошқа кимёвий аралашма қўлланил-


са, қандил ювишда умуман бошқасидан фойдаланишга тўғри келар экан, — дейди тадбиркор. — Бизнесимни автоулов ювишдан бошлаган бўлсам, аста-секин парда, ойна ювиш, кейин уй тозалаб бериш сингари хизмат турлари қўшилиб борди. Бугунги кунда 25 кишини доимий иш билан банд қилганман. Келажакда ишчилар сонини кўпайтиришга тўғри келади. Чунки мижозлар талаби кун сайин ортмоқда. Барчасига улгуриш учун эса қўшимча ишчи кучи керак.

Қувват Пиримбетов кўп ўқийдиган, кўп изланадиган, замон билан ҳамнафас, барча соҳага илмий ёндашадиган, тажриба тўплашга интиладиган ёшлардан. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Нукус шаҳрида 54 миңга яқин автомобиль мавжуд. Барчасига сервис хизмати кўрсатиш зарур.


— Албатта, бизга кўпроқ бирор касбни эгаламаган ёшлар келади, — дейди тадбиркор. — Базилари машина ювиб умрим ўтиб кетади, деб кетиб ҳам қолади. Барибир кимдир шу ишларни қилиши керак-ку. Шундай эмасми? Мен корхонамдаги ишчиларга қўлимдан келган барча шароитларни яратишга интиламан, уларга мотивация беришдан қарчатамайман, — дейди тадбиркор. — Кадр масаласи энг долзарб муаммо. Майли, у машина ювсин, этикдўзлик қилсин, сартарошлик билан шуғуллансин, аммо ўз касбидан ғурурланиб ишлаши, яшаши керак. Шунинг учун ҳам сервис соҳасида хизмат қиладиганларга эътибор қаратиш, ҳурматини жойига қўйиш лозим, деб ўйлайман. Балки, бу соҳада каманда беш йил доимий ишлаган ёшларга олийгоҳларга кириш учун тадбиркорнинг таклифи асосида имтиёз бериш керакдир. Чунки бизга ҳар бир соҳанинг етук мутахассислари зарур. Ёки 5-10 йил шу соҳада ишлаган ходимларга мотивация берадиган янги мукофот турларини таъсис этиш тўғри бўлармикан?! Президентимиз ҳар йили тадбиркорлар билан мулоқот қилган чоғида жуда кўп масалаларни кўтаради. Улардан келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилади. Айтмоқчи бўлган таклифларим жуда кўп. Келаси йили Президент билан бўлладиган учрашув чоғида ушбу таклифларимни, албатта, билдираман.

Тадбиркорлик — давр талабига айланган соҳа. Шунинг учун бугунги кунда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу кўмак самараси эса юртимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, Қувват Пиримбетов каби ёш тадбиркорлар авлоди етишиб чиқаётгани мисолида ўз тасдиғини топмоқда.


Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири




www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ҲАЁТНИНГ ЎЗГАРАЁТГАН МАЗМУНИ

Оилаларда аҳиллик ва ишонч муҳитини мустаҳкамламоқда



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланishi 1-бтда

Биринчи фарқи жиҳати — 2017 йилда Харакатлар стратегияси асосида бошланган беш йиллик халқчил ислохотларнинг иккинчи bosқичига ўтилди. Яъни 2022-2026 йилларга муяссалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган еттига устувор йўналишдан иборат ана шу катта ислохотларни бошлаб бергани билан ҳам эътиборга молик бўлиб қолади.

Иккинчи фарқи жиҳати — бу йилги давлат дастурида “Инсон қадри учун”, деган принципиал мақсадлар янги раҳнада ўз ифодасини топди.

Бу тамойил, ўз навбатида, дунёда рўй бераётган мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилган ҳолда, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тараққиётни трансформация қилиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ичимлик сув таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилашда бош мезон бўлди.

Учинчи фарқи жиҳати — амалдаги давлат дастури конституциявий ислохотлар руҳини ўзида мужассам этди.

Конституциявий ислохотлар руҳи деганда, биз, аввало, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонуни устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш каби улуғвор мақсадларни тушунамиз.

Гап инсон қадрини юксалтириш ҳақида кетар экан, биз эса олишимиз керак бўлган яна бешта катта мақсад бор. Давлатимиз раҳбари муостақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун гамхўрлик қиладиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади. Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этишимиз”, деган эди.

Булар таълим, соғлиқни сақлаш, суд тизимини янада ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш каби мақсадларни қамраб олади.

“Албатта, бундай кенг қўламли вази-фаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир. Мен бунга қатъий ишонаман””, деган эди ўшанда Президентимиз.

Бугун биз давлат дастури ижроси ва стратегик мақсадларимизнинг ҳаётида

қанчалик амалий ифода топаётгани ҳақида сўз юритар эканмиз, халқимиз билан биргалликда эришган катта-катта натижаларни тилга олгимиз келади. Улардан бири — аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш сиёсати.

— **Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади. Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади. Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувни етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз,** — деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Тан олиш керак, ўтган даврда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида яхши натижаларга эришилмоқда. Бунга мисоллар кўп. Масалан, мамлакатимизда охириги 5 йилда соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баробар кўп маблаг ажратилди. Бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Биргина 2021 йилнинг ўзида 474 сув иншооти қурилиб, 6 минг 300 километрга яқин ичимлик сув тармоғи тортирилган, 592 маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Тоза ичимлик сув борган маҳалларда, кишлоқларда ҳаёт мазмуни, одамлар турмуши қандай ўзгаргани ҳақида уларнинг ўзидан эшитинг.



— Тоза сув таъмини, тирик сув қадрини фақат тоғларга чиқиб, булоқлардан ичиб билганмиз. Ушанда “Биз-ку бир амаллаб яшаб ўтгаймиз, лекин фарзандларимиз, нева-чеварларимиз ҳаёти қандай кечаркан”, деган ўй қалбимизни ўртарди, — дейди Янги Наманган тумани Бунёдкор маҳалласида яшовчи Ёқубжон Аҳмадалиев. — Тасаввур қиляпсизми, уйда сув йўқ, чой қайнатиб, оғвак пишириш учун сувни ўлчаб солашимиз. Меҳмон келса, олдида бир чойнак чой қўйишга ийманамиз. Чунки сув тоза эмас, таъми бошқача, энг ёмони, у чойни ичган одамнинг юзи бужмайиб, бизга ачиниш ҳисси билан қарайди. Тўғри, меҳмон бу ҳолатни бизга очик сездирмайди, лекин унинг ўйидан нималар ўтаётганини барибир билиб тураемиз.

Эсимни танибмани, пахта далаларини оралаб ўтган, ёзда одамлар чўмиладиган канал сувларини тиндириб ичдик. Сув етти думалас ҳалол, деб ўзимизни овутидик. Шундан танамизга дард кирди, аёлларимиз соғлигини йўқотди, фарзандлар носоглом туғила бошлади.

Замон бир айланб, бизнинг бошимизга ҳам офтоб теғди. Маҳалламизга тоза ичимлик сув келди. Бу билан одамлар ҳаётида нималар ўзгарди, деган савол беришингиз мумкин. Аввало, ҳаётдан розилик ҳиссини туя бошладик. Ахир неча йиллик орузимиз амалга ошди, ич-ичимизни тирнаб келган муammo ҳал бўлди. Энди авлодларимиз келажакдан кўнглимиз тўқ. Бу кўнглик тўқлик мухити одамларнинг дунёқарабини ҳам ўзгартириб юборди.

Кўни-кўшилар билан гапласангиз ҳам сезасиз, барчамиз янги мақсад ва орузлар билан яшаймиз. Оталар, оналар бахтли. Тоза ичимлик сув, бу — ҳаёт эканини мана шу мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ёқубжон ака билан суҳбатдан сўнг яна мушоҳадага чўмдик. Бутун дунёда сув тақчиллиги долзарб масала бўлиб турган бир шароитда, мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганидан шукроналик ҳиссини туясиз.

Маълумотларга кўра, бугун ер юзидаги 2 миллиардга яқин аҳоли тоза ичимлик сувга муҳтож, 2 миллиард 300 миллиондан ортқ одам эса санитария талабларига жавоб бермайдиган сув истеъмол қилишга мажбур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқ. Ҳар йили дунё бўйича 25 миллион киши айнан тоза ичимлик сув етишмаслиги оқибатида қурбон бўлмоқда. Ҳар соғияда бир бола, асосан, ноқулай санитария шароити ва ифлосланган сув туфайли пайдо булган касалликдан вафот этмоқда. Таҳминларга кўра, ҳозирга келиб дунё аҳолисининг 40 фоизи ичимлик сув муаммосидан азият чекади. Мутахассислар фикрича, 2050 йилга қадар сувга бўлган талаб яна 50 фоизга ошади. Шу рақамларнинг ўзи ҳам табиатнинг бебаҳо неъматини — сувдан тежамкорона, оқилона фойдаланишга ундайди.



қийнаётган маҳаллалар бор ва баъзи туманларда бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмайди. Шу боис, келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик сув таъминотини 87,1 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Таъқидлаш жоизки, Президентимизнинг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув объектларини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида худудий сув таъминоти қорхоналарини бирлаштирган “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти ташкил этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик суви давлат фойдаланиш нозорат қилиш давлат инспекцияси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик тизимига ўтказилди. Натижада вазириликнинг ушбу соҳадаги нозорат функциялари кенгайтирилиб, унга хос бўлмаган хўжалик фаолияти билан боғлиқ вазирилик “Ўзсувтаъминот” АЖга юклатилди.

Ўтган давр мобайнида сув таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатиш

ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда республика аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимларини ривожлантириш бўйича 2509 объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлиб, бунинг учун 10 триллион сўм миқдорида маблаг ўзлаштирилган, 16 минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи қурилган, 885 километр оқова сув тармоғини қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасини юқорида рақамлар билан кўрсатиб бердик.

Президентимизнинг 2022 йил 24 майдаги “Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юртимиз аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш, оқова сув хизматларини яхшилаш борасида олиб бориляётган ишларни янада жадаллаштириш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари қамровини ошириш орқали уларнинг муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда соғлигини сақлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

2022-2026 йилларга муяссалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида республика аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш белгиланган. Шунингдек, марказлашган ичимлик сув билан қисман таъминланган 4658 ва марказлашган ичимлик сув билан таъминланмаган 2263 маҳалла фуқаролар йиғинида лойиха тақлифларини ишлаб чиқиш ҳамда ичимлик сув таъминотини яхшилаш асосий мақсадли кўрсаткичлардан экани қайд этилган.

— Жорий йилда 32 йирик шаҳар ва 155 туман марказида оқова сув тизимларини янгилаш бўйича, барча дастурлар доирасида 4 йирик шаҳар ва 21 туман маркази ҳамда 55 махсус иқтисодий зонанинг оқова сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича республика бюджетидан 377,1 миллиард сўм маблаг ажратилиб, 80 объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб боришга мажбур, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси Соҳиб Саифназаров. — Хусусан, давлат дастурининг 34-мақсад, 165-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил январь ойида ўтказилган хатлов натижасида 9314 маҳалланинг 3829 таси марказлашган ичимлик сув билан тўлиқ таъминлангани,

йўналишида шаффофлик ҳамда хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва сув таъминоти



3940 таси қисман ва 1545 таси таъминланмагани аниқланди. Маҳаллаларни ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан дастурлар доирасида ҳар бир худуд бўйича лойиха тақлифлари ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2022-2026 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган дастурга асосан, хорижий молия институтларининг 26,6 триллион сўм кредит маблағлари, республика бюджетининг 13,4 триллион сўм маблағлари ҳисобидан 3697 ичимлик ва оқова сув иншооти, 40 минг 455 километр ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Дастурларда белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 4514 та маҳалла янгида ичимлик сув билан таъминланиб, марказлашган ичимлик сув билан таъминланган жами маҳаллалар сони 7864 тага, аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 69,7 фоиздан 87,1 фоизга етказилади.

Қайд этиш жоизки, жорий йилда Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги қарори ва тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш юзасидан жами 565 объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 2 178,9 миллиард сўм маблаг ажратилди. Ушбу маблаг доирасида 3 426,2 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 416 ичимлик ва оқова сув иншооти ҳамда 469 объектнинг фойдаланишига топшириш белгиланган.

Натижада жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 1 809,5 миллиард сўм миқдорида маблаг молиялаштирилди ва 1 905,9 миллиард сўм миқдорда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилишига эришилди. Шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан 2 780,5 километр ичимлик ва 129,5 километр оқова сув тармоқлари, 271 иншоотда қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди, 300 объект фойдаланишига топширилди.

Ҳозир рақамлар билан бироз чалғидик. Чунки навбатдаги мулоҳазаларимиз учун бу рақамлар ҳам керак эди. Боиси, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласида жорий йилги давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларни бу рақамларсиз шарҳлашнинг имкони йўқ.

Яна давлат дастури ижросига тўхталар эканмиз, юқорида биз бу ҳужжатнинг уч муҳим жиҳатини бежиз келтирмадик. Гап шундаки, 2022-2026 йилларга муяссалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида кўзда тутилган барча мақсадлар, энг аввало, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлиқни таъминлаш, яшаш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган.

Жумладан, Тараққиёт стратегиясининг худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш кўзда тутилган 34-мақсадида аҳолини ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш белгиланган. Бу осон иш эмас, албатта. Лекин кўрялмизки, бу мақсадга эришиш йўлида ҳарақатлар бор, аввал тоза сув етиб бормаган худудлар бугун обод масканларга айланмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ислохотлар амалга ошяпти, одамлар ҳаётида ўзгаришлар бўляпти. Бугун биргина ичимлик сув таъминоти масаласида шундай дейишга асосларимиз бор.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЖАРАЁН

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланғичи 1-бета

Масалан, Исло молцияси бўйича хизматларни олайлик. Бизда Исло молцияси оид қонунчилик тўлиқ йўлга қўйилмаган. Аъъанавий банклар одамларга 100 сўм бериб, 120 сўм қайтариб бериш талабини қўйса, Исло молциясида бу шартлар истеъмолчининг эътиқодига тўғри келмаслиги мумкин. Бундан банк истеъмолчига керак бўлган бирор товарни аввал ўзи сотиб олиб, кейин уни мижозга сотишига тўғри келади. Мана шу савдо-сотикқа нисбатан аъъанавий банклар учун қонунда тўсиқ бор. Яъни банк истеъмолчига товар олиб

технологияларни жорий қилаётган юридик шахслар учун махсус ташкилий-ҳуқуқий шароит яратишни назарда тутувчи тартибга солиш қўмдонини белгилаши бўлинг амалий мисоли. Бу борадаги тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида иштирокчилар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эътиёжлари учун олиб кирилаётган усуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади. Улар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ҳодимлар

““

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 4 ОКТЯБРИДА МАРКАЗИЙ
БАНК ТОМОНИДАН МОЛИАВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР,
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР
СОҲАСИДАГИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҚЎМДОНИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ,
ШУНИНГДЕК, МАЗКУР РЕЖИМ ДОИРАСИДА
ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ
ТАСДИҚЛАНДИ.

NET” ва “Crypto Market” МЧЖларга биринчи лицензиялар берди ва улар Марказий Осиё ва МДҲ ҳудудидagi биринчи крипто-дўкнлар сифатида ҳуқуқий кафолатга эга бўлди.

крипто-биржа фаолияти учун — БҲМнинг 400 баравари (120 миллион сўм), крипто-дўкн фаолияти учун — БҲМнинг 20 баравари (6 миллион сўм) тўлов қилиш керак бўлади.

ТАРТИБГА СОЛИШ ҚЎМДОНИ

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШДА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ?

бера олмайдми, лекин товар учун пул бериши мумкин. Аммо юқорида айтганимиздек, истеъмолчи фозили кредит олишга эътиқоди йўл қўймаслиги мумкин. Бундан бу янги хизмат турига эътиёж пайдо бўлишини аналгатади. Худди шу янги хизмат тури қўмдон тизими асосида синовдан ўтказилиши мумкин.

Тартибга солиш қўмдонини нисбатан янги тушунча. У амалдаги қонунчилик доирасида янги, инновацион молциявий хизматларни тақлиф этувчи тадбиркорлик тузилмаларига чекланган доирада экспериментлар ўтказиш имконини берадиган алоҳида ҳуқуқий режимни аналгатади. Лекин бундан болалар қамда ҳар қандай нарсага ясагани камб соҳада ўз билганича ҳар қандай ишни амалга ошириши имконият яратилади, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Чунки ҳар бир соҳанинг ўзига хос қанда ҳам мезонлари бор. Бинобарин, имтиёзлар ҳам назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 апрелдаги фармони билан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасига

томонидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 7,5 фоз микдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғига тортилди ҳамда солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмайдми.

Айни пайтда агентлик томонидан соҳадаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоми ва крипто-дўкн фаолиятини амалга ошириш қоидалари ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз бу йўналишда шакллантирилган норматив-ҳуқуқий база мавжуд бўлган дунёдаги камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади. Крипто-дўкнлар ўз электрон платформасида жисмоний шахслар томонидан банк ўтказмаларини амалга ошириш орқали крипто-активларни миллий валютада, чет эллик жисмоний шахслар эса банк ўтказмаларини амалга ошириш орқали крипто-активларини хорижий валютада сотиб олиш ёки сотишлари мумкин. Яқинда агентлик мазкур фаолиятини амалга ошириш учун “Crypto Trade

— Адлия вазирлиги томонидан крипто-дўкн ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш қоидалари рўйхатдан ўтказилган, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Жавоҳир Қўлизода. — Унга кўра, крипто-дўкн электрон платформа ва савдо объекти орқали мижозларга хизмат кўрсатиши мумкин. Қонунчиликда бундай фаолият тури учун ҳар ой 6 миллион сўм тўлов белгиланган. Жорий йилнинг сентябрида Ўзбекистонда крипто-активлар айланмаси соҳасида йиғимлар микдори белгиландми. Жумладан, май ойидаги фаолияти учун — БҲМнинг 10 баравари (3 миллион сўм),

Жорий йилнинг 4 октябрида Марказий банк томонидан молциявий операциялар, технологиялар ва хизматлар соҳасидаги тартибга солиш қўмдонини жорий этиш ва бекор қилиш, шунингдек, мазкур режим доирасида фаолиятни амалга ошириш тартиби тасдиқландми. У амалдаги қонунчилик билан тартибга солинмаган янги технологияларни таъминлаш мақсадида синовдан ўтказиш учун жорий этиладиган алоҳида ҳуқуқий режим бўлиб, мазкур масканда муайян муддатга бошқа ҳуқуқий тартиб таъсир қилмайдиган шароит яратилиши назарда тутилган.

Ҳужжатга кўра, ушбу ҳуқуқий тизимни татбиқ этиш учун молциявий хизмат кўйидаги мезонлардан бирига мувофиқ бўлиши лозим. Бундан республика молциявий хизматлар бозори учун янгилиги, молциявий хизмат истеъмол хусусиятларининг амалдаги хизматларга нисбатан яхшиланиши, молциявий хизматни кўрсатишга қонунчиликда чекловлар ёки ноаниқликларнинг мавжудлиги асосий аҳамият касб этади.

Тартибга солиш қўмдонини жорий этиш ҳақида ариза янги молциявий хизматни татбиқ қилаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс томонидан берилади. Банклар, но-банк кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, тўлов ташкилотлари,

